

Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Бугун Халқ депутатлари Термиз туман Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳудудларни ихтисослаштириш, бўш турган, захирадаги ва келгусида захирага олинадиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун очиқ электрон танловга чиқариш бўйича тайёрланган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи кўриб ўтилди.